# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 31 январь, № 22 (5952) Жума


# СОҒЛОМ, КУЧЛИ, МАРД ВА ҚАТЪИЯТЛИ

Фарзандларимизнинг ана шундай хислатларга эга бўлиб вояга етишлари учун мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилган.

*Ҳар гал иқтидорли йигит-қизларимизнинг энг нуфузли халқаро спорт мусобақаларида бири-биридан ажойиб ютуқлари, ғалабалари шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилганда, барчамиз тўлқинланиб, ҳаяжонли онларни бошимиздан кечирамиз. Бундай қувончли лаҳзаларнинг аҳамиятини, очиғи, ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Ватанимиз шон-шуҳратини дунёга ёйишга хизмат қилаётган ушбу муваффақиятлар Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалий самараларидир.*

## БОЛАЛАР СПОРТИ

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида фарзандларимизнинг ўз қобилияти ва истеъдодини тўла намоён этиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Жумладан, таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш жараёнида унинг узвий қисми сифатида болалар спортининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, умумтаълим мактабларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни бугунги кун талабларига мос ускуна ҳамда инвентарлар билан жиҳозлаш, шунингдек, ана шу иншоотлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида кенг кўламли ишлар бажарилаяпти. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Жамғарма болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизимига айланди.

Президентимиз Ислом Каримов раислигида Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида билдирилган фикр-мулоҳазалар, келтирилган рақамлар мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш масаласига нақадар устувор аҳамият қаратилаётганини яна бир карра тасдиқлади. Эътибор беринг: биргина 2013 йилнинг ўзида 113 спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилган. Ушбу объектларнинг 132 таси қишлоқ жойларда ишга туширилган. Буларнинг барчаси Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган эзгу даъватининг ҳаётий ифодаларидир.

Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланаётгани туфайли уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган спорт мажмуаларида ҳар йили янгидан-янги истеъдодлар кашф қилинаётир. Уларнинг халқаро майдонларда ўз қобилиятини намоён этиши учун ҳам кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Мисол учун, ўтган йили Жамғарма маблағлари ҳисобидан 554 нафар бола (163 нафари қизлар) халқаро, қитъа ва минтақа миқёсидаги мусобақаларда ўттизга яқин спорт тури бўйича иштирок этиб, 124 та олтин, 96 та кумуш ва 133 та бронза медалини қўлга киритди. Демак, спортимизнинг келажаги ёруғ, эртаси порлоқ.

**Бугун мамлакатимизда**

**2 000 000**

**нафарга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда.**



**Маъруфжон ТУРДИМАТОВ,**
**Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Фарғона вилояти филиали директори:**

— Президентимиз ҳар бир чиқишларида фарзанд тарбиясининг аҳамияти, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга барча шарт-шароитни яратиб бериш хусусида гапирадилар. Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам, жумладан, "Болалар учун барпо этиладиган ҳар бир иншоотни қалб қўримизни бағишлаб қуришимиз керак. У ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу мақсад ва интилишлар билан яшасин. Зеро, фарзандларимизни хурсанд қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун шароит яратиш бизнинг бурчимиз", деган сўзлари эртамиз эгаларига бўлган меҳр ва эътибор нақадар чексиз эканлигини кўрсатади.

(Давоми 2-бетда).








# АҚШДА ЙИРИК ТЎҒОН ВА ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ТАҚИҚЛОВЧИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

***Халқаро экология ташкилотлари, шунингдек, техноген хавфлар бўйича мутахассис ва экспертларнинг узоқ саъй-ҳаракатлари натижасида 2014 йилнинг январида АҚШ Конгресси ва Сенати муҳим қонунчилик нормаларини жорий этишни кўзда тутадиган қонунни қабул қилди ва Президент Барак Обама уни имзолади.***

Мазкур қонунга мувофиқ, Халқаро молия институтлари директорлар кенгашларидаги АҚШ вакиллари энди йирик тўғонлар ва гидроэнергетика объектлари қурилиши лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун қарз олиш ёки ушбу лойиҳалар билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжатни маъқуллашга қарши чиқишга мажбур.

Бугунги кунда АҚШ асосий халқаро молия институтлари, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Осиё тараққиёт банки, Осиё ривожланиш жамғармаси ва бошқа молия институтларининг йирик акциядори ва донори ҳисобланади. Америка Қўшма Штатлари ўзи акциядор бўлган барча халқаро молия институтларида тўғонлар ва йирик гидроэнергетика объектлари қурилишига қаратилган ҳар қандай лойиҳани молиялаштириш ва маъқуллаш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлашни қонуний тақиқлади.

АҚШ қонунчилик ва ижро ҳокимиятларининг ушбу қарори ҳар томонлама асослидир. Чунки сўнгги йилларда эколог-мутахассислар, техноген хавфлар бўйича экспертлар, муҳандис ва ҳуқуқшунослар томонидан ўтказилган тадқиқотлар, мазкур муаммонинг халқаро даражада бир неча бор муҳокама этилиши баланд тўғонлар қуриш оқибатида юзага келадиган салбий ҳолатлар, хавф ва таҳдидлар билан боғлиқ масалага ойдинлик киритди. Зеро, бу билан боғлиқ масалалар, айниқса, тоғли шароитларда янада мураккаб тус олиб, кўплаб соҳаларда олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши ва тузатиб бўлмас даражада зарар етказиши мумкин.

Шу боис экология ташкилотлари ташаббуси билан қабул қилинган ва АҚШнинг барча ҳокимият тармоқлари томонидан қўллаб-қувватланган мазкур нормалар кенг кўламли экологик, техноген ва ижтимоий-иқтисодий фалокатларга сабаб бўладиган йирик гидроэнергетика объектларини қуриш лойиҳаларини амалга оширишга йўл қўйиб бўлмаслигига аниқ ва тўғри ишорадир.

Марказий Осиё минтақасида йирик тўғон ва гидроэнергетика объектларини барпо этишга йўл қўймаслик ғоят долзарб масаладир. Чунки сўнгги йилларда минтақанинг асосий трансчегаравий дарёлари — Амударё, Сирдарё ва уларнинг ирмоқларида ҳали собиқ тузум даврида қурилиши режалаштирилган йирик гидроэлектр станциялар, жумладан, Роғун ГЭСи ва 1-Қамбарота ГЭСини қуриш лойиҳаларини қайта тиклашга қатъий уринишлар бўлмоқда.

Бундай лойиҳаларнинг асосий хавфли томони шундаки, электр энергияси тақчиллиги ва янги қувватларни ташкил этиш муаммосини ушбу лойиҳалар амалга оширилиши оқибатида бутун минтақа учун узоқ муддатли ҳалокатли оқибатлар юзага келиши мумкинлигини эътиборга олмай ҳал қилишга уринишлар бўлмоқда.

Минтақа экологиясининг ўнглаб бўлмас даражада ўзгариб кетиши ва табиатдан фойдаланиш бўйича юзага келган тизимлар ана шундай асосий хавфлар сирасига киради. Бу Марказий Осиёда жиддий экологик ҳалокатнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин. Йирик тўғонлар қурилиши минтақанинг шундоқ ҳам нозик экологик мувозанатини издан чиқариб, асосий сув оқимларини мавсумий тақсимлаш ва кўп йиллик бошқариш тизимини тўлиқ ўзгартириб юборади, минтақадаги сув ресурслари тақчиллигини ҳалокат ёқасига келтириб қўяди.

Тўғонлар қурилиши Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатларда ёз мавсумида сув ниҳоятда камайиб, узоқ вақт кучли қурғоқчилик юзага келиши, қишда эса фалокатли тошқинлар рўй бериши, экин майдонларининг шўрланиши ва ҳосилдорлик кескин камайиб, миллионлаб одамларнинг оч-наҳор ва ишсиз қолишига, аҳолининг бу ердан оммавий кўчишига сабаб бўлиши мумкин. Глобал экологик ҳалокат зонасига айланиб бораётган Орол денгизига туташ ҳудудларда эса аҳвол бундан-да мураккаблашади.

Бугунги кунда батамом эскирган, бундан 40 йил муқаддам — совет даврида ишлаб чиқилган, хавфсизлик ва барқарорлик бўйича замонавий талабларга мутлақо жавоб бермайдиган лойиҳалар ва нормалардан фойдаланишга уринишлар оқибатида пайдо бўладиган техноген фалокатлар ҳам жуда хавфлидир.

10 балли кучли зилзилалар ва мураккаб тектоник ўпирилишлар мунтазам содир бўлиб турадиган ҳудудда дунёдаги энг баланд тўғонларни барпо этиш кўзда тутилмоқда. Роғун тўғони қурилиши мўлжалланаётган жой кучли туз қатламидан иборат бўлиб, сувнинг сизиб кириши натижасида тузлар аста-секин эриб кетиши ҳеч гап эмас.

Бундай тўғонларнинг ўпирилиш эҳтимоли ўз йўлидаги барча гидротехник иншоотларни буткул ювиб кетадиган улкан ва кучли сув тўлқинлари ҳосил қилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, ушбу дарёлар қуйи оқимида жойлашган юзлаб аҳоли пунктларининг тўлиқ ёки қисман сув остида қолишига, юз минглаб одамларнинг қурбон бўлиши ва бошқа сон-саноқсиз фожиали оқибатларга олиб келади.

Трансчегаравий дарёларда баланд тўғонлар қурилиши оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, халқаро ҳуқуқ нормалари, хусусан, БМТнинг мажбурий халқаро мустақил экспертиза ўтказиш, зарар етказмаслик ва бундай лойиҳалар бўйича барча манфаатдор мамлакатлар билан келишиш зарурлиги ҳақида аниқ талаблар белгиланган тегишли конвенциялари (1997 йилги Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенция, Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича конвенция, Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақидаги конвенция) талаблари ҳисобга олиниши шарт.

Шубҳасиз, АҚШда ушбу мамлакат парламенти ва ҳукуматининг мазкур масала юзасидан қатъий позициясини аниқ ифода этган ушбу қонуннинг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти йирик тўғонлар ва гидроэлектр станциялар қурилиши етказадиган мислсиз хавфлар оқибатини англаб етаётганидан яна бир карра далолат беради.

Бу қарор Марказий Осиёда йирик тўғон ва гидроэлектр станциялар қуриш лойиҳасини амалга оширишга ўжарлик билан интилаётганларни ҳушёр торттириши даркор.

Юқорида қайд этилган халқаро молия институтлари Марказий Осиё минтақасида асосий инвесторлар экани инобатга олинадиган бўлса, қабул қилинган ушбу қонун бундай улкан лойиҳаларнинг амалга оширилиши етказадиган барча хавф-хатар ва оқибатларга яна бир бор теран кўз билан қарашга ундайди, шунингдек, мавжуд энергия тақчиллиги муаммосини ҳал этишнинг муқобил йўлларига эътибор қаратиш бўйича янги имкониятлар яратади. Зеро, муаммони ҳал этишнинг муқобил йўллари экологик нормаларни бузмайди, техноген ҳалокатларни келтириб чиқармайди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган халқаро ҳуқуқ нормаларига зид келмайди.

**С. ЖИГАРЁВ,**
**«Гидролойиҳа» институти директори.**

## ТИББИЁТ

*Соғлом авлод деганда, аввало, соғлом наслни тушунамиз. Шу боис мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг самарали механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда.*

# Она-бола саломатлиги — доимий эътиборда

"Соғлом она — соғлом бола" деб номланган ушбу дастур асосида юртимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, миллат генофондини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Пировардида аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, жойларда сифатли тиббий хизматни йўлга қўйиш борасида салмоқли натижаларга эришилаётир. Кеча пойтахтимизда Республика аҳоли репродуктив саломатлиги марказининг янги биноси очилиши ҳам мамлакатимизда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури доирасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Мазкур марказ биносининг очилиш маросимида сўзга чиққанлар янги тиббиёт муассасаси Соғлом бола йилида фойдаланишга топширилаётганлиги рамзий маънога эгалигини таъкидлашди.

(Давоми 2-бетда).

# «Ўзбекистон модернизация ва демократлаштириш йўлидан бормоқда»

*Илгари хабар берилганидек, халқаро экспертлар уюшмаларининг вакиллари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.*

## ЭЪТИРОФ

**Энн Де Пап,**
**Гент университети ректори (Бельгия), профессор:**

— 2013 йили Ўзбекистон ижобий натижаларни қўлга киритгани у сўнгги йиллар давомида иқтисодий жиҳатдан кучли давлат қуриш ҳамда дунёнинг тараққий топган мамлакатлари қаторидан жой олиш йўлида ҳаётга татбиқ этган чора-тадбирларнинг тўғри эканлигини яққол тасдиқлайди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўсиб келаётган ёш авлод масалаларига қаратилаётган эътибор Ўзбекистоннинг бундан кейинги тараққиётига ҳам мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Республиканинг таълим жабҳасида қўлга киритган муваффақиятларидан хабардор бўлганим ҳолда шуни айта оламанки, Ўзбекистон олий ўқув юртлари жиҳозланиш даражаси жиҳатидан Европа олий таълим муассасалари билан рақобатлаша олади.

Университетимиз Ўзбекистон олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдордир. Ўзим ҳам турли соҳаларда юқори малакали мутахассисларни биргаликда тайёрлаш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга тайёрман.

**Жан Бланкофф,**
**эксперт, Брюссель эркин университетининг фахрий профессори:**

— Ўзбекистонда ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам замонавий технологиялар ривожи нуқтаи назаридан катта салоҳият бор.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўз ривожланиш йўлини аниқ белгилаб олган мамлакат сифатида халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда муваффақиятли қарорларнинг қабул қилиниши, энг аввало, олдинга қўйилган мақсадларга эришишда мавжуд имкониятлар тўғри ҳисобга олинганининг самарасидир.

Президент Ислом Каримов етакчилигида узоқни кўзлаган ички ва ташқи сиёсат юритилмоқда. Бугун мамлакат ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва жамиятни янада демократлаштириш йўлидан бораётир. Ўзбекистон фаол равишда миллий саноатни ривожлантираяпти, ўз бюджетининг салмоқли қисмини таълим тизими, илм-фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг тараққиёти учун йўналтирмоқда.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

# Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Кўкламги дала юмушлари бошлангач, қишлоқ хўжалиги техникалари деҳқону фермерларнинг энг яқин кўмакчисига айланади. Бу, ўз навбатида, ёнилғи-мойлаш ашёларига бўлган эҳтиёжни ҳам кескин оширади.*

## Инновацион лойиҳа

Бекобод туманидаги "Далварзин" таъмирлаш заводи мутахассисларининг Тошкент автомобиль-йўллар институти олимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиққан инновацион лойиҳаси ана шу жиҳатига кўра, афзал ва қулайдир. Мазкур лойиҳа асосида корхонада қишлоқ хўжалиги техникалари сиқилган табиий газда ишлашга мослаштирилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, трактор двигателлари зарур механизмлар билан қайта жиҳозланаётгани боис, экологик безарар ёнилғи билан ишлаш вақтида уларнинг кучи ва иш унумдорлиги сусаймайди. Энг муҳими, деҳқон ва фермерларнинг техникадан фойдаланиш сарф-харажатлари камида икки баробар тежалади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Тошкентдаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Гидромехмонтаж" қўшма корхонасининг Когон тумани ҳудудида жойлашган йиғув ва тайёрлов цехида земснарядлар, яъни землесос ўрнатилган кемачалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

## Каналларни кемалар тозалайди

Сув иншоотларидаги қум, лой-балчиқларни чиқариб ташлашга мўлжалланган бу ускуна юқори иш самарадорлигига эгалиги, нархининг нисбатан арзонлиги билан буюртмачиларга маъқул тушмоқда.

— Земснаряднинг умумий узунлиги 32 метр бўлиб, у худди кема каби сувда сузади ва 12 метргача бўлган чуқурликни кавлаб, каналлар ўзанини қум ва қуйқалардан тозалайди, — дейди мазкур цех бошлиғи В. Куликов. — У ҳар бирининг узунлиги олти метр бўлган 24 та понтонга эга. Сув иншоотидаги қум ва лой-балчиқлар ускунадаги насосларнинг кучли босими остида узунлиги 140 метрдан ошадиган қувурлар орқали қирғоққа чиқариб ташланади.

— Землесос ўрнатилган кемачаларнинг учтасини харид қилиб, яна биттасига буюртма бердик, — дейди вилоятлараро "Аму-Бухоро машина канали" бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Баҳриддин Муродов. — Биласиз, Амударё суви лойқа. Иншоотларни тез-тез тозалаб туришга тўғри келади. Земснарядлар бу борада жуда асқотаяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*"Навоий" эркин иқтисодий-индустриал зонасидаги "Uz Erae Cable" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида енгил автомобиллар учун мўлжалланган аккумулятор жгутлари сифат ва хавфсизлик борасида халқаро стандартларга тўла жавоб беради.*

## Иссиққа ҳам, совуққа ҳам чидамли

Жанубий Кореядан 1 миллион 170 минг АҚШ долларилик сармоя эвазига келтирилган технологик линия асосида ишлаб чиқарилаётган мазкур эҳтиёт қисмлар 40 даража совуқ ҳамда 125 даража иссиқликка бардош бериши билан аҳамиятлидир.

— Шу билан бирга, автомобилдан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган қисқа туташувлардан ҳимоя қилиш мақсадида махсус сақлагичлар ўрнатилган, — дейди "Uz Erae Cable" қўшма корхонаси мутасаддиларидан бири Ориф Шамсиев. — Таркиби латун ҳамда алюминий қотишмали коннекторлардан иборат аккумулятор жгутлари узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Сирдарёлик ишбилармонлар Мирзачўл тупроғидан нафис ва мустаҳкам чинни буюмлар ясаш мумкинлигини амалда исботлашди.*

## Мирзачўл тупроғидан чинни буюмлар

Хусусан, Мирзаобод туманида "Омад чинни сервис" хусусий корхонаси иш бошлагач, бу ерда йилига 40 минг дона маҳсулот тайёрлаш имконияти юзага келди.

— Чинни буюмларимиз ўзига хос дизайни билан мижозларга маъқул тушаяпти, — дейди корхона раҳбари Замиржон Исмоилов. — Уларнинг сифатли бўлишида Фарғона водийси кулоллари тажрибасини пухта ўрганганимиз қўл келмоқда. Келгусида маҳсулотларимиз турини янада кўпайтириш ҳаракатидамиз.

Эътиборлиси, айни пайтда вилоятнинг Боёвут туманида ҳам шундай корхоналардан бири фаолият кўрсатмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўндан ортиқ янги ширинликлар

*Кунлик қувват 300 килограммдан ортгани — Қарши шаҳридаги "Амирос капитал" хусусий корхонаси жамоасининг изчил изланишлари натижасида қўлга киритилган яна бир муваффақият, десак, айни ҳақиқат.*

Корхона раҳбари Олим Жалиловнинг сўзларига кўра, ушбу лойиҳани амалга оширишда банкдан олинган 100 минг АҚШ долларилик имтиёзли кредитдан оқилона фойдаланилгани қўл келди. Айниқса, маҳсулотни бежирим идишларга қадоқлаш технологияси ўрнатилгач, бу ерда тайёрланаётган ширинликларнинг чиройли дизайнда савдога чиқарилиши харидорларга маъқул тушмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Она-бола саломатлиги — доимий эътиборда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни такомиллаштириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг илғор услубларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам тизимини яратиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимояга йўналтирилган сиёсатнинг устувор вазифаларидан бири эканлигига алоҳида тўхталишди.

Марказнинг янги биноси Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, замонавий кўринишда бунёд этилди. Бу масканда эндиликда нафақат ташхис қўйиш, шу билан бирга, соғлом оилани шакллантиришга кўмаклашиш, аҳоли, айниқса, фертиль ёшдаги аёлларни даволаш каби масалаларга алоҳида урғу қаратилади.

— Республика аҳоли репродуктив саломатлик марказида юртдошларимизга кенг кўламли малакали тиббий диагностика ва даволаш ёрдами кўрсатилмоқда, — дейди марказ директори Маҳмуда Каттахўжаева. — Марказ катталар репродуктив саломатлиги, болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлиги ҳамда ўқув-услубий бўлимларини ўз ичига олади. Ушбу бўлимларда акушер-гинекологлар, педиатр, эндокринолог, уролог, дерматолог, онкогинеколог, психоневролог ва бошқа мутахассислар фаолият юритишмоқда. Ўтган 2011 — 2013 йилларда марказ мутахассислари томонидан 20 минг нафардан ортиқ аҳолига малакали профилактик ва амбулатор-поликлиника хизмати кўрсатилди.

Қайд этиш жоизки, биргина ўтган йилда марказга 7,5 минг нафардан ортиқ аҳоли мурожаат қилиб, улардан 4500 дан ортиғини туғиш ёшидаги аёллар, 1000 нафарга яқинини ўсмирлар ташкил этди. Марказ ходимлари она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни изчил давом эттириш мақсадида вилоятларда фаолият кўрсатаётган тиббий муассасаларга амалий ёрдам бериш, жумладан, "Туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиклари"да фаол иштирок этдилар.

... Марказнинг гинекология бўлимида яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирамиз. Тубдан таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар, ультратовуш таҳлил аппарати ва рентген кабинетларида хасталикларга юқори аниқликда ташхис қўйиш имконияти мавжуд.

— Бўлимимизда аҳолининг тиббий маданиятини янада оширишга йўналтирилган ишларга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз, — дейди Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази гинекология бўлими мудири Муяссар Назирова. — Жумладан, "Бехатар оналик", "Контрацептив воситаларнинг ўрни", "Соғлом фарзанд туғилишида турли витамин-минераллар мажмуаларининг аҳамияти" ва "Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари" мавзуида янги буклетлар тайёрлаб, ёшларга тарқатаяпмиз.

Айтиш керакки, республикамизда бу каби даволаш муассасаларининг бунёд этилиши, мавжудларининг қайта реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар, техника ва технологиялар билан жиҳозланиши тиббий хизмат кўламининг кенгайиб бораётганлиги билан бирга, Соғлом бола йилида бу каби саъй-ҳаракатларнинг янада изчил давом этишидан далолат беради.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ахборот-коммуникация технологиялари

## аҳолига қулайлик яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда

*Мамлакатимизда истиқлол йилларида иқтисодиётнинг барча соҳалари қаторида ахборот-коммуникация тармоғини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

ХИЗМАТ

Ҳозирги пайтда ҳудудларда 10 миллиондан зиёд пластик карточка муомалага чиқарилгани, уларнинг қарийб 2 миллион 500 мингтаси онлайн карточка эканлиги ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда телекоммуникация ва коммунал хизматлар учун тўловлар интернет орқали тўланмоқда. Товар ва хизматлар учун тўловлар эса, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, интернет ҳамда мобиль телефон орқали қўшимча воситачилик ҳақи олинмасдан амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришда эса Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.

Таъкидлаш жоизки, пойтахтимиздаги "Click" компанияси, бир неча йилдирки, ўз хизматлари билан тизим ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Чунки мазкур компания, асосан, тижорат банклари, ташкилот ва жисмоний шахслар учун дастурий маҳсулотлар яратиш, уларни қўллаш, турли дастурий мажмуаларни бирлаштириш ҳамда такомиллаштириш билан шуғулланади. Жисмоний шахсларга воситачилик ҳақисиз мобиль телефони ёрдамида ўз ҳисобварақларини, шунингдек, онлайн карточкаларини бошқариш имконини берувчи "Click" мобиль ва Интернет-банкинг тизими яратилгани эса, айтиш мумкинки, жамоанинг катта ютуқларидан биридир.

— Бу тизимнинг афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида фойдаланувчи коммунал хизматлар, мобиль телефони, интернет-провайдерлар ёки рақамли телевидение учун тўловларни амалга ошириши, шунингдек, ушбу тизимдаги бошқа фойдаланувчининг ҳисобварағига пул маблағларини бир зумда ўтказиши мумкин, — дейди лойиҳа менежери Адҳам Умаров. — Бундан ташқари, у бир вақтнинг ўзида турли банкларда очилган ҳисобварақларидаги маблағларни узлуксиз бошқариш имконини беради.

Яқинда эса компанияда "Market" савдо майдончаси ишга туширилди. Унинг ёрдамида фойдаланувчилар ўзлари учун зарур бўлган товарлар ва хизматларни танлаш, етказиб берувчиларнинг маълумотларини олиш, телефон орқали буюртма бериш ва унинг ҳақини шу вақтнинг ўзида онлайн пластик карточкалари ёки банкдаги ҳисобварақларидан тўлаш имкониятига эгадирлар.

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги кунда юртимизда ахборот-коммуникация тармоғининг мобиль, Интернет-банкинг, умуман, электрон тижорат тизимлари тобора такомиллашиши баробарида, аҳолининг вақт ва маблағларини тежашда муҳим омил бўлаяпти.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СОҒЛОМ, КУЧЛИ, МАРД ВА ҚАТЪИЯТЛИ

## Фарзандларимизнинг ана шундай хислатларга эга бўлиб вояга етишлари учун мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилган.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қаранг, 2013 йилда республикамиз бўйича болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари учун 210 миллиард 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Бу шунчаки рақам эмас. Бу баркамол авлод тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини тасдиқловчи муҳим далилдир.

Биргина бизнинг Фарғона вилояти мисолида айтадиган бўлсак, ўтган йили Жамғарма маблағлари ҳисобидан Қўқон шаҳри, Фарғона, Ўзбекистон туманларида янги спорт иншоотлари барпо этилди. Марғилон шаҳри, Риштон, Учкўприк ва Боғдод туманларидаги мактабларда спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Фарғона шаҳри, Қува ҳамда Ёзёвон туманларида болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилди. Бу ишларга 17,4 миллиард сўм сарфланди. Фаолият кўрсатаётган 112 та спорт объекти ва 413 та мактабдаги спорт иншоотларини зарур инвентар ҳамда ускуналар билан жиҳозлашга бир миллиард 614 миллион сўм йўналтирилди.

Ҳозир ушбу мажмуаларда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 205 минг нафар ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Бу рақам, 2003 йилдагига нисбатан олганда, 1,4 баробар кўпдир. Сўнгги ўн йилда қишлоқ жойларда болаларнинг спорт билан шуғулланиши 15 фоиздан 43 фоизга ўсди. Қишлоқ қизларини спортга жалб этиш даражаси 2,8 баробар ошди.

2014 йил мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда ҳам вилоятда болалар спортини ривожлантириш, унинг оммавийлигини ошириш тадбирлари изчил давом эттирилади. Бунда Президентимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида билдирган фикр-мулоҳазалари, кўрсатган йўл-йўриқлари биз учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Мирзоҳид ФАРМОНОВ, дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи:**

— Биз, Ўзбекистон ёшларига бугун дунёнинг жуда кўп давлатларидаги тенгқурларимиз ҳавас билан қарашади. Бунга мен дзюдо бўйича қатор халқаро мусобақалардаги иштироким давомида хорижликлар билан яқиндан суҳбатлашиб, кўп бор гувоҳ бўлганман. Чунки юртимизда баркамол авлод таълим-тарбияси учун барча шарт-шароит яратиб берилаётир. Айниқса, шаҳару қишлоқларимиз қиёфасига ўзгача кўрк бағишлаб турган бири-биридан ажойиб спорт кошоналари, сузиш ҳавзалари, стадионлар ҳар қандай кишининг эътиборини тортади, завқини оширади. Уларда минглаб ёшлар ўзлари севган спорт турлари билан шуғулланишмоқда. Кўрсатилаётган бундай беқиёс ғамхўрликка муносиб бўлиш бизнинг чин фарзандлик бурчимиздир.

Спортда қандай натижаларга эришаётган бўлсак, буларнинг барчаси, шубҳасиз, болалар спортини ривожлантиришга бўлган эътибор мевасидир. Ўзимдан келиб чиқиб айтсам, 2010 йилда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида кумуш, 2011 йилда Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида ташкил этилган Осиё чемпионатида бронза медалини қўлга киритдим. 2012 йилда Лондон Олимпиадасида қатнашиш бахтига муяссар бўлдим, катта тажриба орттирдим. Ўтган йили "Улкан тож" ва Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирларда бронза ҳамда олтин медаллар билан тақдирландим. Ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа айнан Обод турмуш йилида рўй берди. Гап шундаки, Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги "Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони билан тақдирландим. Давлатимиз раҳбарининг спортга, спортчиларга бўлган меҳри, эътибори нақадар юксак эканлигини яна бир карра дилдан ҳис қилдим. Бундай юксак ишончни яна янгидан-янги зафарларимиз орқали оқлашга ваъда берамиз.

**Улуғбек АЛИМОВ, оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи:**

— Анъанага кўра, халқаро мусобақаларда, спортчиларни таништириш чоғида улар қайси давлат вакили эканлиги эълон қилинади. Мана шундай пайтларда "Ўзбекистондан!" дейишганида жуда ҳаяжонланиб кетаман. Бир зумга хаёлимда гўзал ва бетакрор юртимиз, оилам, яқинларим гавдаланади. Бундай онларни сўз билан таърифлаш қийин.

Олис юртда Ватан шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг орзуси. Мусобақаларда иштирок этиш учун қаерга бормайлик, фурсат топиб, хорижлик тенгқурларимизга Ўзбекистонимиз ҳақида, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида биз, спортчиларга яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисида гапириб берамиз. Чиндан ҳам, фахрланиб айтсак арзийдики, юртимизда ҳар қандай спорт тури билан юқори даражада шуғулланиш учун замонавий инфратузилма яратилган. Кўркам спорт мажмуалари нафақат шаҳарларда, балки энг чекка ҳудудларда ҳам мавжуд. Бу спорт оммавийлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.



Халқаро миқёсдаги мусобақаларда 2012 йилдан иштирок эта бошлаганман. Дастлаб Ўзбекистон терма жамоаси сафида Жанубий Кореянинг Пхентек шаҳрида ўтказилган катталар ўртасидаги Осиё чемпионатида қатнашиб, иккита олтин ва битта кумуш медални қўлга киритдим. Ўтган йили талаба спортчилар ўртасида ўтказилган Универсиада ўйинларида совриндор бўлдим. Ва ниҳоят, якунланган мавсумнинг энг нуфузли мусобақаси — Польшанинг Вроцлав шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида бронза медали билан тақдирландим. Ушбу муваффақиятим инобатга олиниб, Президентимиз Фармонига асосан, менга "Ўзбекистонда Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони берилди. Бу юксак шараф, айни пайтда катта масъулият деганидир. Бундай эътиборга 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, жавоб қайтармоқчиман.

**Замиражон САНАҚУЛОВА, бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи:**

— Президентимизнинг: "Биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз", деган сўзлари биз, ёшларга ҳамиша кўтаринки руҳ, қўшимча куч ва ўзимизга қатъий ишонч бағишлайди. Шу туфайли ҳам юксак марраларни мақсад қилиб, бирма-бир ютуқларга эришаяпмиз.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришнинг ўзига хос ноёб тизими яратилган. Буни хорижлик мутахассислар ҳам кўп бор тилга олиб ўтишади. Масалан, Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари спортни оммалаштириш, юртимиз терма жамоалари учун муносиб номзодларни тарбиялаб беришда катта маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Мазкур мусобақаларнинг ноёблиги шундаки, у мактаб ўқувчиларидан тортиб, олий таълим муассасаси битирувчиларигача бўлган ёш авлод вакилларини қамраб олади. Қолаверса, бундай ўйинларга тайёргарлик жараёнида ҳудудларда кўплаб спорт иншоотлари қад ростлайди. Бу яна минглаб ёшларни спортга жалб этиш имконини бермоқда.

Мен ҳам "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" спорт ўйинларида қатнашиб, катта тажриба орттирганман. Бир неча бор республика чемпиони бўлдим. Кейинчалик Италия, Германия, Хитой каби қатор ривожланган давлатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олдим. Айниқса, XVI ёзги Осиё ўйинларининг жамоа беллашувларида кумуш медалга сазовор бўлганимиз фаолиятимдаги муҳим ютуқлардан бири саналади. Ўшанда шоҳсупага кўтарилганимиздаги ҳолатни бир билсангиз эди. Шу қадар қаттиқ ҳаяжонланган эдимки, хурсандлигимдан кўзимга қувонч ёшлари келганди. Президентимиз ана шу ғалабамизни эътироф этиб, аҳамиятини юқори баҳолаганликлари қалбимизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлаганди.

Тарихимиз буюк, дунёга номи маълуму машҳур алломалар ўтган бу заминдан. Биз улар билан ҳамиша фахрланамиз. Аммо фақат шу билан кифояланишдан йироқмиз. Иқтидоримиз, истеъдодимиз бор экан, уни юзага чиқариб, мустақил Ўзбекистон фарзандлари ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлашда бундан кейин ҳам давом этамиз!

**Ш. ОРТИҚОВ, Ф. АБИЛОВ**
**ёзиб олди.**



Ш. ШАРАПОВ, Ҳ. ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли АҚШнинг жанубий ва жануби-шарқий ҳудудидаги бир қатор штатларда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.*

## Фавқулодда ҳолат



Жумладан, Жоржия, Алабама, Миссисипи, Луизиана, Шимолий ҳамда Жанубий Каролинада кучли қор ва муз ёмғири ёғиб, қаттиқ совуқ ҳукм сурмоқда. Трассаларда ҳаракатланиш қийинлашгани боис узундан-узун тирбандликлар юзага келган. Фақатгина Жоржия штатининг ўзида мингга яқин автоҳалокат рўй берди. Бир киши ҳаётдан кўз юмган, юздан зиёд одам жароҳатланган. Янги Орлеан шаҳрида давлат муассасалари ва мактаблар вақтинча ёпилди. Майями шаҳри аэропортида эса ўнлаб авиақатновлар бекор қилинди.

Синоптиклар тарқатган маълумотларга кўра, умуман, шу кунларда АҚШнинг 34 та штатида қаҳратон совуқ кузатилмоқда.

## Фойда кўрди, аммо...

*Мебель ва уй жиҳозлари савдоси билан шуғулланувчи дунёга машҳур “IKEA” компанияси ҳар бир молиявий йилда даромад олишга эришмоқда.*



Аммо кейинги вақтларда унинг бу борадаги кўрсаткичлари бир оз пасайган, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида. Масалан, 2010 — 2011 йилларда компания кўрган соф фойданинг ўсиш суръати 10,3 фоизни ташкил қилган эди. 2013 йилнинг август ойида якунига етган навбатдаги молиявий йилда эса ушбу натижа 3,1 фоиз бўлди. Бу 3,3 миллиард евро деганидир.

“IKEA” қўлга киритган умумий даромаднинг 70 фоизи Европа бозорлари ҳиссасига тўғри келди.

## Вазият ўнгланмаяпти

*2013 йилнинг декабрь ойида Францияда ишсизлик даражаси мамлакат тарихидаги рекорд кўрсаткичга етган.*



Яъни йил якунига келиб, меҳнат биржаларида рўйхатдан ўтганлар сони 4,9 миллион кишини ташкил қилган. Бу 2012 йилнинг шу давридаги ҳолат билан таққослаганда, 5,7 фоиз кўпдир. Ачинарлиси, ишсизларнинг 3,3 миллион нафари давлат томонидан ажратиладиган ижтимоий ёрдамдан бошқа бирор жойдан маблағ ишлаб топиш имкониятига эга эмас.

## Янги чеклов

*Хитойда мактабгача таълим муассасалари, бошланғич ва ўрта мактаблар ҳамда касбга ўргатувчи ўқув масканлари ҳудудида тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилиш тақиқланди.*



“Синьхуа” ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, эндиликда ана шу таълим даргоҳларида чекиш чеклanganини акс эттирувчи махсус белгилар ўрнатилади. Янги қоидага мувофиқ, шунингдек, таълим муассасалари тамаки ишлаб чиқарувчи корхоналардан ҳомийлик ёрдами олиши ва уларнинг рекламаларини ўқув муассасалари ҳудудида жойлаштириши мумкин эмас. Мазкур тартиб олий таълим масканларига ҳам тегишли бўлиб, фақат уларда чекиш учун очиқ ҳавода махсус жойлар ташкил этишга рухсат берилади.

## Йилни муваффақиятли якунлади

*“Ford Motor” (АҚШ) автомобилсозлик компанияси ўтган йилни катта даромад билан якунлади.*

Хусусан, поёнига етган йилнинг биргина тўртинчи чорагида у кўрган соф фойда 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан икки баробар ортиб, 3,04 миллиард долларни ташкил этган. Компаниянинг йиллик даромади эса 26 фоиз ўсиб, 7,16 миллиард долларга етган. Бу ҳам бир йил аввалги кўрсаткичдан анча юқоридир.

“Ford Motor” бундай ижобий натижаларга “F” сериядаги автомобилларни Шимолий Америка ва Осиёда катта миқдорда сотиш орқали эришган.

## Шамол ва ёнғин

*Норвегиянинг ғарбидаги Сернес яриморолида рўй берган кучли шамол электр тармоқларини ишдан чиқарди ва натижада ёнғин келиб чиқди.*



Мамлакат телеграф бюроси тарқатган хабарга қараганда, мазкур ҳодиса оқибатида 140 дан ортиқ тураржой биноси ёниб, кулга айланган. Қурбонлар ёки жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ТАДБИР

*Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Оммавий ахборот воситаларида шарҳловчилар минбари: муаммо ва ечимлар” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

# Давр талаби ва касб маҳорати

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда “Сиёсат” ахборот-таҳлил маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, вазирлик ва идораларнинг ахборот хизматлари ходимлари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талабалар, журналистлар қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ахборот соҳасига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, миллий медиа тизимини замон талабига мос тарзда ривожлантириш мутахассисларнинг малака ҳамда маҳоратини оширишда алоҳида ўрин тутмоқда. Хусусан, юртимизнинг тинчликпарвар ташқи сиёсати, мамлакатимизда қарор топган тинчлик-осойишталик, турли соҳаларда эришилаётган улкан ютуқларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида, бугунги глобаллашув даври журналистлардан ўз билим ва малакасини муттасил ошириб боришни, доимо ҳушёр ҳамда огоҳ бўлишни талаб этмоқда.

Тадбирда ана шулар ҳақида батафсил маълумотлар бериб, “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари”, “Оммавий ахборот воситаларида шарҳловчилар минбари: муаммо ва ечимлар” ва “Сиёсий шарҳловчиларнинг янги авлодини тарбиялашнинг долзарб вазифалари” мавзуларида маърузалар тингланди. Қайд этилдики, кейинги йилларда мамлакатимиз ОАВдаги шарҳловчилар фаолиятида жонланиш кўзга ташланиб, улар томонидан бериб борилаётган халқаро ҳаётга оид шарҳ ва таҳлилий материалларнинг сифати ошмоқда.

Шу билан бирга, айрим босма ва электрон ахборот воситаларида шарҳловчилар фаолиятини кучайтириб, мамлакатимиз ташқи сиёсати ҳамда халқаро ҳаётга оид шарҳларни сон ва сифат жиҳатидан такомиллаштиришни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Давра суҳбатида ушбу масалаларга ижобий ечимлар топиш муҳокама қилиниб, соҳага ихтисослаштирилган таълим муассасаларида мазкур йўналишда кадрлар тайёрлашни янада юқори босқичга кўтариш лозимлиги қайд этилди.

Маълумки, ахборот алмашинувида интернет тармоғи мавқеи тобора юксалиб бормоқда. Юртимизда ҳам ушбу тизим жадал ривожланиб, бугунги кунда миллий “Uz” домени сони 16 мингдан ортди. Уларнинг 260 дан зиёди оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият юритмоқда.

Тадбир доирасида ушбу соҳадаги яна бир янги веб-сайт — “sharh.uz”нинг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда юртимиз ва жаҳонда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараён шарҳлаб борилади.

Тадбир якунида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоблар берилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Реклама ва эълонлар

**«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Фарғона вилояти филиали**

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2014 йил 4 март куни соат 10.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

● Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 29 мартдаги 15-13-01/7432-сонли ижро варақасига асосан хатланган, РК-3 қозонхонасида сақланаётган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-130-76 МА автокран» русумли, ҳаворанг тусли, давлат рақами 15 AJ 151.

***Бошланғич баҳоси — 31 620 005 сўм.***

● Қувасой шаҳар СИБ томонидан ФИБ Риштон туманлараро судининг 2013 йил 18 сентябрдаги 1-1283/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳар Миллий банкида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, кулранг тусли, давлат рақами 40 939 DAA.

***Бошланғич баҳоси — 15 000 000 сўм.***

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдоси 2014 йил 20 март куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг ОАТ «Савдогар» банки Фарғона вилояти бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

185R/870

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:**
**Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй.**
**Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.**

**Гувоҳнома № 004059.**







**«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали**

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2014 йил 17 февраль куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 21 июндаги 3939-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ЛАДА 21074-110-30» русумли, давлат рақами 01 614 DAA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 14 861 028 сўм.***

Мазкур автотранспорт воситаси 2014 йил 17 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 6 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2014 йил 17 февралдаги аукцион савдосига 2014 йил 14 февраль куни соат 16.00 ва 6 мартдаги аукцион савдосига 5 март куни соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази».**
**Мурожаат учун телефон: (+99893) 792-78-18.**

**Диққат!**

«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 26 декабрдаги 253 (5927)-сонида чоп этилган хабарномадаги аукцион савдосига қўйилган, Денов тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 25 ноябрдаги 19-1306/10957-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Ш. Қобилов» СИУ, «Янгиобод» МФЙдаги «Ҳумойиддин Асомиддин» ММТПда сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Claas Dominator-130» русумли, давлат рақами ЕЩ 38-95, бошланғич баҳоси 100 000 000 сўм бўлган комбайн Денов тумани СИБ томонидан тақдим этилган 2014 йил 23 январдаги 23-сонли хатига асосан, аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади.

«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 23 январдаги 16 (5946)-сонида чоп этилган хабарномадаги аукцион савдо кунлари «2014 йил 10, 25 ва 27 февраль» ўрнига «2014 йил 17 февраль, 4 ва 6 март», деб ўқилсин.

187A/870

**Қўшимча маълумот олиш манзили:**
**Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси.**
**Мурожаат учун телефон: (+99893) 792-78-18.**

***Гувоҳнома № 004059.***

**БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси**

**Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги маданий мерос объектларини таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилиши муносабати билан танлов ўтказилишини маълум қилади.**

*Танлов бир ой ичида ҳар чоршанба куни қуйида кўрсатилган манзилда ўтказилади:*

**Тошкент шаҳри,**
**Шайхонтоҳур тумани, Ўзгариш кўчаси, 18-уй.**
**Тел.: (8-371) 227-08-21, 227-05-86, 227-06-40.**

184R/86

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ҳамда меҳнат жамоаси Вокал кафедраси етакчи жўрнавози Гулнора Азизхўжаевага волидаи муҳтарамаси

**Мудира АЗИЗХЎЖАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Қарор ва ижро**



*Туризм жаҳон иқтисодиётининг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири бўлиб, у Ўзбекистонимизда ҳам тобора тараққий этмоқда. Бу мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини ошириш, сервис хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш, бой маданий, тарихий ва табиий меросларни асраб-авайлаш борасида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар самарасидир.*

## Экотуризм:
# Изчил ривожланиш йўлида

Мутахассисларнинг айтишича, туризмни алоҳида минтақалар ва тармоқлар бўйича равнақ топтиришга эътибор қаратилаётгани айни муддао бўлди. Бунда Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги "2013 — 2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 — 2015 йилларда Тошкент, Қашқадарё вилоятларида туризм соҳасини ривожлантириш дастурларига доир қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.

Дарҳақиқат, ушбу ҳужжатларда нафақат ички молия манбалари, балки хориж инвестициясини жалб этган ҳолда, янги лойиҳаларни амалга ошириш, уларнинг ташаббускорларига банклар томонидан кредитлар ажратиш ҳамда божхона тўловларида имтиёзлар бериш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда, айниқса, экотуризмни ривожлантириш учун табиий ва географик имкониятлар етарли. Негаки, юртимиз ўзининг бетакрор табиати, гўзал ландшафтлари, пурвиқор тоғлари, бепоён чўллари, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, кўп мингйиллик табиий ёдгорликлари билан ажралиб туради. Бу йилнинг тўрт фаслида ҳам ўзига хос бўлган экосаёҳатларни ташкил этиш мумкинлигидан далолатдир.

Экологик туризм ҳақидаги қарашлар ҳамон хилма-хиллигича қолаяпти. Айримлар уни табиий ҳудудларнинг бокира жойларига ташриф буюришга йўналтирилган туризмнинг барқарор шакли десалар, бошқалар табиатда экологик мувозанатни сақлаш мақсадида инсон тараққиёти етиб бормаган экологик тоза минтақаларга йўналтирилган саёҳатлар, дея таърифлашмоқда.

Мамлакатимизда бу талабларга жавоб берадиган ҳудудлар кўп. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хоразм вилоятидаги Шовот канали ҳамда "Ёшлик" кўлида кичик ҳажмдаги кемаларни ҳисобга олиш ва техник назорат қилиш ишлари бажарилган бўлса, Қашқадарё вилоятидаги "Ачинкўл" сув ҳавзаси атрофида "Биологик буюртмахона (экоҳудуд)" ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ердан учиб ўтувчи қушлар учун буюртмахона яратилиши баробарида, сув ҳавзасида аҳоли учун ҳордиқ чиқариш масканлари бунёд этилиши мўлжалланаётгани ҳам эътиборга моликдир.

Экотуризмнинг ривожи фақат иқтисодий кўрсаткичлар билангина ўлчанмайди. Аксинча, аҳолини табиатни муҳофаза қилиш, унинг неъматларига оқилона муносабатда бўлиш ва асраб-авайлашга жалб этиш, унга нисбатан меҳр уйғотиш жиҳатидан диққатга сазовордир. Яна бир муҳим томони, экотуризм соғлом ҳаёт тарзининг бир бўлаги бўлиб, бунинг учун юқори даражадаги хизмат кўрсатувчи меҳмонхона ва бошқа сервис объектлари талаб қилинмайди. Табиат билан яқиндан мулоқотда бўлиш учун махсус палатка ва кемпинглар қуришнинг ўзи кифоя.

Мухтасар айтганда, экотуризмнинг ривожи табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали ҳордиқ чиқаришга бўлган эстетик эҳтиёжларни қондирибгина қолмасдан, балки борлиқни борлигича асраб, уни келгуси авлодга безавол мерос сифатида қолдириш учун мустаҳкам воситадир.

**Севара ДАВЛАТОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассиси.**

Яқинда олимларимиз дунё бўйича йўқолиб кетиш хавфи остида турган илвирслар, яъни тоғ қоплонлари Ўзбекистонда сақланиб қолганини исботловчи янги маълумот ва ноёб суратлар олишга муваффақ бўлишди. Бунда "Ҳисор" давлат қўриқхонасининг "Қизилсув" бўлими ҳудудига ўрнатилган фотоқопқон қўл келди.

# Тоғ қоплонининг ноёб сурати олинди



Гап шундаки, 2013 йилнинг якунида қўриқхона ҳайвонот оламини ўрганиш ва уларнинг ҳисобини юритиш мақсадида замонавий фотоқопқон билан таъминланган эди. У қисқа вақт ичида Туркистон силовсини, қўнғир айиқ каби кўплаб ёввойи жониворлар суратларини муҳрлаб олишга муваффақ бўлди. Улар орасида иккита тоғ қоплонининг борлиги эса нафақат юртимиз, балки хорижлик мутахассисларнинг ҳам қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Илвирс Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг "Қизил рўйхати"га киритилган ноёб ҳайвонлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда дунё бўйича унинг 3 минг донаси сақланиб қолгани тахмин қилинмоқда. Сабаби, улар тоғларнинг қор билан қопланган ўрта ва юқори қисмлари, денгиз сатҳидан 2500-4500 метр баландликни макон қилгани туфайли ҳисобини юритиш анчайин мураккаб. Кундузи қорли қоялар орасида беркиниб ётиши эса бу юмушни янада қийинлаштиради. Юртимиз олимларининг машаққатли меҳнатлари эвазига 1983 йилда "Ҳисор" қўриқхонаси ҳудудида 5 та илвирс ҳисобга олинган эди, холос.

**Янгилик**

Мутахассислар эътирофича, мазкур қўриқхона ташкил этилиб, камёб жониворлар алоҳида муҳофаза остига олингани тоғ қоплони ва бошқа ҳайвон турларининг кўпайишида муҳим омил бўлди. Бунинг исботи сифатида илвирсларнинг бош сони 1991 йилда 10, 1999 йилда 12-16, 2009 йилда эса 24 дан ошганини қайд этиш кифоя.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, "Ҳисор" қўриқхонаси ҳудуди жиҳатидан нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасидаги энг катта муҳофаза остига олинган маскан ҳисобланади. Унинг умумий майдони 80 минг 986 гектардан иборат бўлиб, Қашқадарё вилоятининг жануби-шарқий томонида, Ҳисор тоғларининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган.

Қўриқхона мафтункор флора ва фаунаси билан азалдан мутахассисларни ўзига оҳанрабодек тортиб келади. Зеро, бу ерда Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган ўсимликларнинг 36, мамлакатимиз ва халқаро "Қизил китоб" рўйхатидан жой олган ҳайвонот оламининг 17 тури учрайди.

Бугунги кунда тоғ қоплонларини қўриқхонанинг Қизилсув, Тошҳовуз, Мироқи ва Филон участкаларида учратиш одатий ҳолга айланиб бораяпти. Бу юртимизда истиқлол йилларида биологик хилма-хилликни сақлаш, ноёб турларни асраб қолиш борасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг юксак самарасидир.

Илвирслар, асосан, тоғ эчкилари билан озиқланади. Шунингдек, тўнғиз болалари, қизил суғур, Ҳимолай ҳилоли ва какликларни ҳам овлайди. Ҳар икки йилда бештагача болалаб, 21 йилгача яшайди. Аммо уларнинг сони бошқа минтақаларда камайиб кетаётгани ташвишланарлидир.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидан маълум қилишларича, бугунги кунда фотоқопқонлар мамлакатимиздаги бошқа қўриқхоналар, миллий боғларга ҳам ўрнатилмоқда. Бу юртимиз фаунасининг камёб турлари ҳақида қимматли далил ва ашёларни тўплаш, уларнинг муҳофазасини кучайтириш борасида амалий чоралар ишлаб чиқиш жараёнида муҳим манба бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

**С. РАҲМОНОВ.**



# ОНАЖОНИМ — ТАБИАТ

**Биласизми?**

● *Ўрта Осиё тўқайларининг 60 фоизи Амударёнинг қуйи соҳилларида жойлашган.*

● ***Ўзбекистонимизнинг ўсимлик дунёси ниҳоятда бой ва ранг-баранг бўлиб, ҳозирги кунда табиатда ёввойи ўсимликларнинг 4500 га яқин, замбуруғларнинг эса 2000 дан ортиқ тури учрайди.***

● *Бир қанча биогеографик ўлкалар туташган минтақада жойлашган республикамиз ҳайвонот олами ҳам ўзига хос. Юртимизда умуртқали ҳайвонларнинг 688 тури, шу жумладан, сут эмизувчиларнинг 105 тури мавжуд.*

● ***Табиатимизда энг кенг тарқалган тур — бу умуртқасизлар бўлиб, уларнинг 15 мингдан ортиқ тури учрайди.***

● *Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"нинг 1984 йилдаги нашрига ўсимликларнинг 163, умуртқали ҳайвонларнинг эса 63 тури киритилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич тегишли равишда 324 ва 107 тани ташкил қилаяпти.*



● ***Табиатимизда Турон йўлбарси бутунлай йўқ бўлиб кетган. Ҳозир эса чиябўри, гепард, қоплон, қундуз ва морхўр шундай хавф остида турибди.***

● *Ўзбекистонда муҳофаза қилинаётган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 9,1 миллион гектардан ошди.*

● ***Табиатимизда янги наботот намуналарининг пайдо бўлишида қушлар ва ҳашаротлар воситачилик қилаётган экан.***

*Марказий Фарғона чўлида йирик Оққум массиви бор. Минг гектар ерда ястаниб ётган бу ҳудуд ўтган асрнинг охирларида табиий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олиниб, унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш ҳамда кўпайтириш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.*

# Чўл бағридаги хазина

"Мингбулоқ табиий ёдгорлиги" номини олган бу қумликлар ўзига хос ўсимликлар олами, ноёб қуш ва ҳайвонлари билан табиатсеварларни мудом бағрига чорлайди. Негаки, табиий ҳолда ўсаётган саксовул, черкез, қуёнсуяк, туронғил, юлғун, янтоқ, оқбош, қамиш сингари дарахт ва буталар билан қопланган маскан ёввойи ҳайвонлар ҳамда судралиб юрувчиларнинг севимли ошёни. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган турлар ҳам кўплаб учрайди. Шу боис наботот ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ишларини янада кучайтиришга қаратилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда иҳота дарахтлари ўтказилди, уларни суғориш учун ариқлар қазилди. Бу билан, энг аввало, ҳудуд табиатига зарар келтирувчи қум барханларининг кўчишига барҳам берилиши баробарида, камёб дарахт ва буталарнинг сақланиб қолиши ҳамда табиий равишда кўпайишига имконият яратилди.

— "Мингбулоқ" табиий ёдгорлиги нафақат табиат ишқибозлари, балки бўлажак биолог ҳамда географларни қизиқтирмоқда, — дейди Наманган давлат университети доценти Эркинжон Икромов. — Хусусан, бизнинг биология факультетимиз талабалари назарий машғулотлар чоғида олган билимларини амалда мустаҳкамлаш учун бу ерга тез-тез келиб турадилар. Бир қатор ҳамкасбларимиз эса ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси устида илмий тадқиқот ишларини олиб боришаяпти. Масалан, ўзим судралиб юрувчиларнинг экологик паразитологияси мавзуидаги докторлик ишимни ниҳоясига етказаяпман.

Дарҳақиқат, биолог олим айтганидек, мазкур ҳудудда ўрганса, тадқиқ қилса арзийдиган нодир манбалар анчагина. Биргина унинг зоосферасини олиб кўрайлик. Қумликлар узра чопқиллаб юрган "Штраух тўгаракбошиси" деб номланувчи калтакесак фақат шу жойгагина хос жонзотдир. Ёки калтакесакнинг яна бир тури — "Қизилқулоқ тўгаракбошиси" жуда кам сақланиб қолган турлардан ҳисобланади. Кун давомида чўл кезиб, унинг фақатгина бир неча донасини учратишингиз мумкин. Эндемик турлар сирасига кирувчи бундай судралиб юрувчилар тақдири айнан шу қумликлар билан боғлиқ бўлиб, табиий ҳудуднинг асраб-авайланиши уларни сақлаш ва кўпайтиришнинг бош омилидир.

**Ватан манзаралари**

— Қўриқланадиган табиий ҳудуд мақоми берилган "Мингбулоқ" ёдгорлиги авлодларга безавол етказилиши лозим бўлган бебаҳо бойликларимиздан бири, — дейди Наманган вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Акрамжон Саъдуллаев. — Унинг экологик мувозанатини сақлаш учун, биринчи галда, ҳудудни турли қоидабузарлар тажовузидан доимий равишда ҳимоя қилиш зарур. Бу, айниқса, қумликдаги саксовулзорлар аҳоли яшаш масканларидан овлоқ жойда эканлиги билан янада долзарб аҳамият касб этади. Боиси, бу ерда ўсаётган саксовул, юлғун, туронғил сингари буталарни ўтин сифатида кесиб, уларга қирон келтираётган кимсалар, оз бўлса-да, учраб турибди. Жумладан, 2013 йил давомида ўтин кесиш мақсадида қум оралаган шундай қонунбузарлардан 12 нафари аниқланди. Табиийки, бундайларнинг қилмиши чорасиз қолмади. Уларга нисбатан бир миллион 26 минг сўм миқдорида жарима белгиланиб, ундириб олинди. Бундан ташқари, бир нафар қонунбузар фуқарога нисбатан 9 миллион сўм жарима даъвоси қўзғатилиб, ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширилди.

Табиат ҳамиша инсон меҳри ва эътиборига муҳтож. "Мингбулоқ" табиий ёдгорлигининг узоқ йиллар мобайнида бокира сақланиб қолиши эса бу ерда яшаётган эчкиэмар, қуён, қирғовул, кирпи, чиябўри, йўрға тувалоқ, кўплаб турдаги судралиб юрувчи ҳамда сут эмизувчи камёб ҳайвонларнинг ҳадиксиз яшаб, кўпайиши учун қулай макон бўлиб хизмат қилади, албатта.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кирпиўт



*Ўлкамизда кармакдошлар оиласига мансуб кирпиўтнинг кўплаб турлари мавжуд бўлиб, улар орасида Нурота кирпиўти алоҳида ажралиб туради. Мазкур наботот намунаси ўзининг ташқи кўриниши туфайли шундай ном олган. Яъни у бир қарашда ҳурпайиб олган кирпини эслатади.*

**«Қизил китоб» саҳифаларидан**

Дарҳақиқат, Нурота кирпиўти диаметри 20 сантиметрлик яримшар шаклини ҳосил қилиб ўсади. Бутанинг поялари жуда тиғиз бўлиб, барглари кўкимтир яшил тусда, чўзиқ наштарсимон. У қалин туклар билан қопланган боис учли қирраси кўзга унчалик ташланмайди. Гулпояси эса баргидан узунроқ, 10-15 сантиметрга етади. Июль-августда гуллаб, меваси куз ойларида етилади.

Фақат Нурота тизмасида учрайдиган ушбу ўсимлик тоғнинг тошли, қуруқ ёнбағирларида ўсади. Бироқ унинг тобора камайиб кетаётгани, боз устига, умумий ҳолати ҳали тўлиқ ўрганилмагани ачинарли ҳолдир. Маданийлаштирилиши ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ.

Нурота кирпиўти Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган. Унинг табиий кўпаядиган ҳудудларини алоҳида муҳофаза остига олиш, "Нурота" қўриқхонасида янги тўпларини излаб топиш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

**Тажриба**

**Ҳиндистон заминидан келтирилган "Камилия" тропик гул кўчатлари уч йил деганда иқлим шароитимизга мослашди. Бу юмуш Андижон туманидаги Ҳакан қишлоғида яшовчи Нўъмонжон Абдураҳмоновнинг иссиқхонасида амалга оширилди.**

# Маҳаллий иқлимга мослашди

— Ниҳолларни тажриба тариқасида эккандик, — дейди Н. Абдураҳмонов. — У жуда секин ўсса-да, бетакрор манзара ҳосил қилар экан. Гулларни бозорга олиб чиқишимиз билан харидорлар қизиқиб қолишди. Ҳозир қўшни вилоятлар, ҳатто, пойтахтдан ҳам буюртмалар тушаяпти. Шундан келиб чиқиб, мазкур манзарали ўсимликни "қаламча" шаклида етиштиришга киришдик.

Бугун Абдураҳмоновлар хонадонида 7 та иссиқхона мавжуд. Уларда 100 дан ортиқ турдаги кўчатлар, хусусан, тропик иқлимда ўсувчи гуллар ва бошқа ўсимликлар парваришланаяпти.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Мексикада ўсадиган лофофора (Lophophora) номли қуманжирга маҳаллий аҳоли қадим замонлардан буён илоҳий тус бериб келади.*

# Мўъжизавий гиёҳ

Сабаби, ўсимлик таркибида мескалин моддаси мавжудлиги туфайли, уни истеъмол қилган кишининг кўз олдида мўъжизавий кўринишлар содир бўлиб, қулоғи остида ҳузурбахш оҳанг тарала бошлайди.

Лофофора оловранг кўринишда бўлиб, юмшоқ мева беради. Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, унинг меваларини еган киши башорат қилиш қобилиятига эга бўлар эмиш. Шу боис миссионерлар лофофора ҳосилини истеъмол этишни тақиқлаганлар.

Шуни айтиш керакки, Виллиамс лофофораси жаҳонда энг чидамли ўсимлик намунаси ҳисобланади. Уни ҳеч бир гиёҳ ўсмайдиган жойларда ҳам учратиш мумкин.

**Наботот ажойиботлари**

# Ҳашаротхўр магнолия

*Қримда ўзининг ям-яшил кўриниши билан ажралиб турувчи магнолия дарахти ўсади. Унинг бежирим гулларини кўрган киши бу ўсимликка маҳлиё бўлиб қолади. Уни ўзи билан олиб кетишга ошиқади.*

Аммо магнолия гулларининг бошқа хусусияти ҳам бор. Гап шундаки, магнолия барглари қатида халтачага ўхшаш ва катталиги икки миллиметрга бормайдиган пуфакчалар мавжуд бўлиб, у ҳаво билан тўлган бўлади. Ажабланарлиси, пуфакчанинг битта тешиги ҳам бўлиб, у ўсимликка бирор нарса тегиб кетмагунча очилмайди. Мабодо, ҳашарот тегадиган бўлса, тешикча сув оқими билан очилиб, уни ютиб юборади. Қопқонга тушган жонивор ўсимлик озуқасига айланади.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 169. 145 342 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5